

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ

Султанов Миркобил Мирвалиевич

Тошкент Давлат юридик университетининг мустақил изланувчиси

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Садаф қўчаси 219 уй

Тел: +998 98 121 02 20

Аннотация. Ривожланган хориж давлатларининг тезкор-қидириув фаолиятини ташкиллаштириш тажрибаси норматив-хуқуқий хужжатларнинг таҳлили асосида ўрганилган ва тегишли хulosалар килинган.

Таянч сўзлар: тезкор-қидириув фаолияти, хориж тажрибаси, тезкор-қидириув тадбирлари, хавфсизлик, жиноятчиликка қарши кураш

Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўшма мажлисидаги маърузасида "Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётгани биз учун энг асосий мезон бўлиши шарт. Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак" - дея таъкидлаган эди.

Шу мақсадда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийлик ва хуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, зарур чоралар кўриш юзасидан терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар томонидан амалга оширилган тезкор-қидириув фаолияти натижалари муҳим ўрин тутади.

Жиноятчиликка қарши курашиш тарихи гувоҳлик берилича, оғир ва ўта оғир жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш ва фош этиш, яширган жиноятчиларни қидириб топиш учун фақат ошкора жиноят-процессуал ва бошқа воситалар етарли бўлмасдан, бошқа самарадор воситаларни қўллаш тақозо этилади. Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун нафақат содир этилган жиноятларни фош этиш, балки жиноий ҳодиса ва жараёнлар ривожланиши устидан назорат ўрнатиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Шу билан бирга, амалдаги Жиноят-процессуал Кодекси мунтазам такомиллаштириб борилаётганига қарамасдан, суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш ва фуқаролар мурожаатларини ўрганиш натижалари тизимда баъзи бир камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан, қонунчиликда тезкор-қидириув фаолияти, унинг натижаларидан фойдаланишга оид нормаларнинг мукаммал эмаслиги, тезкор-қидириув фаолияти давомида шахснинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлиги, қонунчиликда бўшликлар мавжудлиги, бир катор муаммо, камчиликлар ва баҳсли ҳолатлар борлигини кўрсатди.

Бундан ташқари, тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан жиноятчиликни олдини олиш, содир этилаётган жиноятларни тезкорлик билан очиш, мамлакатимизда тинчликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш юзасидан амалга ошираётган салмоқли ишларини қайд этиш баробарида, мазкур фаолиятини амалга оширувчи айrim ҳодимлари томонидан фаолият натижасида ушланган шахсларнинг ҳимояга бўлган хуқуқларини таъминламаслик, тезкор-қидириув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг қўштириноқ ичидаги "саъй ҳаракатлари" натижасида шахсни жиноят содир этишга ундаш орқали гўёки тезкор маълумотлар асосида тезкор тадбир ўтказиш, бунинг натижасида бир шахсни жиноятчига айлантириш билан ўzlари олдига қўйилган режани бажариш, жиноятчиликка қарши курашда самарали фаолият юритаётгандек кўрсатиш ҳоллари юзасидан фуқароларнинг ҳақли эътиrozлари учраб турибди.

Мазкур ҳолатлар жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айборларни фош этиш, жиноят ишини қонуний, асосли ва адолатли якун топиши, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва судга нисбатан ишончи сусайиши билан боғлиқ муаммоларни юзага келишига сабаб бўлмоқда ҳамда ушбу институт такомиллаштиришга мухтож эканлигини кўрсатмоқда.

Тезкор-қидирав фаолиятида қонунчиликка риоя этиш, маълумотлар олиш жараёнлари анча ёпик тарзда ташкил этилгани сабабли унинг қонунийлиги, амалга ошириш жараёнида қонунчиликка риоя этилиши, маълумотларнинг ҳақиқийлиги юзасидан жуда кўп саволлар туғилишига сабабчи бўлмоқда. Айнан шу муаммоларни бартараф қилиш мақсадида, “Хабеас Корпус” институтини янада кенгайтириш, суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш мухим саналади.

Халқаро ҳуқуқ ва хорижий амалиётда ўзининг ижобий натижасини бераётган амалиётни миллий менталитетимиздан келиб чиқкан ҳолда қонунчилигимизга имплементация қилиш ўзининг ижобий натижасини беради.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг энг мухим йўналишларини белгилаб берган «2021—2026 йилларда Янги Ўзбекистонни тараъвиёт стратегияси”нинг қабул қилиниши ислоҳотларнинг тарихий аҳамиятга эга бўлган босқичи бўлди.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, жиноят процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини илғор хорижий тажрибада кенг қўлланиладиган исботлаш стандартларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқилмоқда.

Тизимда мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида амалиётда сақланиб қолаётган инсон ҳуқуқлари бузиш ҳолатлари, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан фуқароларга нисбатан ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий механизmlар назарда тутилган эди.

Фармондан келиб чиқкан ҳолда 2021 йил 18 февраль куни имзоланган Қонунга асосан Жиноят-процессуал Кодексига айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра агар тезкор-қидирав тадбирларининг натижалари фақат қонун талабларига мувофиқ олинган бўлса, ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирав тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олиниши мумкинлиги алоҳида белгилаб қўйилди.

Тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан айрим ҳолатларда гумон қилинувчидан, айбланувчидан ёки судланувчидан аризалар, тушунтиришлар ёки кўрсатувлар ўзи истаган вақтда, ҳеч қандай рухсатсиз олиниб келинган бўлса, эндилиқда жиноят иши ўз юритуvida бўлган суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга оширилиши, бундан белгиланган тартибда ҳимоячидан воз кечилган ҳоллар мустасно этиб белгиланди.

Қонунга ўзгартиш киритилгунга кадар гумон қилинувчи ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқи мавжуд эди. Янги ўзгартишга кўра эса у амалда ушланган ёки жиноят жойида ушлаш билан боғлиқ тезкор-қидирав тадбири амалда якунланган ёхуд унинг гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқи таъминланиши аниқ ва лўнда қилиб белгиланиб, шахсларнинг ҳуқуқлари чекланиш ҳолатларига барҳам бериш, иш сифатини ва тезкор-қидирав тадбирларини амалга ошираётган ходимлар масъулиятини янада оширишга хизмат қиласи.

Бундан ташқари, исбот қилишда қўйидагилар таъқиқланди:

- шахсни гайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш;
- шахсни жиноят ишига гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, бундан экспертиза ёки тафтиш ўтказиш талаб этиладиган ҳоллар мустасно;
- шахсга унинг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилгунига қадар ундан бирон-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш;
- ушланган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш;
- мазмунан кўриб чиқиши учун судга юборилган жиноят иши доирасида процесс иштирокчиларини суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва (ёки) сўроқ қилиш, бундан улар билан боғлиқ бўлган алоҳида иш юритувга ажратилган жиноят иши ёки суднинг ёзма топшириғи мавжуд бўлган ҳоллар мустасно эканлиги белгиланди.

Қонунчиликка киритилган мазкур ўзгартишларни кенг тарғиб қилиш, унинг ижросини амалда таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қонун талабларига катъий амал қилиш, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган ходимларга нисбатан кескин чоралар кўриш орқали фуқароларнинг давлат органларига нисбатан ишончини ошириш, мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлашда муҳим омил саналади.

Мухтарам Президентимизнинг талабларидан келиб чиқсан ҳолда, жамиятда “Одиллик мезони” хисобланган судлар чинакам мустақилликни намоён этиб, ишларни кўришда терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни амлга оширувчи органлар томонидан моддий ва процессуал қонун нормаларига оғишмай амал қилишлари устидан талабчанликни кучайтириш, Жиноят процессуал Кодекси талаблари асосида олинган, далиллар мақбуллиги шартларига тўла мос келадиган далилларни суд қарорларига асос қилиб олиш, қонун талаблари бузилган ҳолда олинган далилларни эса номақбул деб топиш, фуқароларнинг асоссиз равишда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши, уларни ҳуқуқлари чекланиш ҳолларига жиддий муносабат билдириб бориш, ҳар бир қонун бузилиши юзасидан мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масала ҳал этиш, уларга имкон берган сабаб ва шароитлар синчиклаб ўрганиш, хусусий ажрим чиқариш йўли билан уларни бартараф этиш чоралари кўриб бориш лозим бўлади.

Зоро, буюк Бобокалонимиз Амир Темур айтганларидек «Юз кунлик тоат-ибодатдан бир кунлик адолат яхшироқдир».

Адабиётлар

1. Жамолдиновна, Б. М. (2020). Лингвокультурологические научные направления и интерпретация языка и культуры в современной лингвистике. Вестник Приамурского государственного университета им. Шолом-Алейхема, (3 (40)), 104-115.
2. Bekiyeva, M. J. K. (2022). DEVELOPMENT OF LINGUOCULTUROLOGY AND INTERPRETATION OF LANGUAGE AND CULTURE IN MODERN LINGUISTICS. Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2(1), 93-102.